



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING**

Q A R O R I

“16” Февраль 20 21 у

Yaypan shahri 34- sonli

“Фаргона Сув Таъминоти” МЧЖга Ўзбекистон тумани захира ер майдонидан тоза ичимлик суви хавзаси иншооти қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида.

Тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 23,36- моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон тумани захира фондига қаршли ер майдонларидан “Фаргона Сув Таъминоти” МЧЖга тоза ичимлик суви хавзаси иншооти қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги 07.12.2020 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. “Фаргона Сув Таъминоти” МЧЖга А.Бозорбоши ММТП худуди ер харитасининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган № 659к-контурдаги 0.10 га ер майдони давлат дастури асосида тоза ичимлик суви хавзаси иншооти қуриш учун ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман хокими томонидан тасдиқлангандан сўнг тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона дарча” марказидан рўйхатидан ўтказиш, тегишли ҳуқуқий хужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси “Фаргона Сув Таъминоти” МЧЖ туман бўлими раҳбари М.Мирзораҳимовга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий хужжатларни расмийлаштириб бериш кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқаровга топширилсин.

5. Ушбу қарор халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман хоким ўринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими:



К.Джўраев